БУГУНГИ СОНДА:

(1-БЕТ) ФИНЛЯНДИЯ ПРЕЗИДЕНТИ МАУНО КОЙВИСТО МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШМОҚДА. — СОЛИҚ — САДАҚА ЭМАС. ДАВЛАТ СОЛИҒИНИ ТЎЛАШДАН ТАЙСАЛЛАЕТГАН РАҲБАРЛАР ХУСУСИДА

(2-БЕТ) БИР ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН ЎН ИЙЛЛИКЛАР ИШИНИ ҚИЛДИ. МИНГБУЛОҚ АТРОФИДАГИ МИШ-МИШЛАР. РУҲЛАР ҚАЧОН ҚАЙТАДИ?

(3-БЕТ) ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДХОНАСИДА. ШОИРНИНГ ЯНГИ ШЕЪРЛАРИ ВА ЁН ДАФТАРИДАГИ ҚАЙДЛАР ВА ХОТИРАЛАР.

(4-БЕТ) ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1992 ЙИЛ ЎН ИККИ ФОИЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИ ШУ ЙИЛ 30 СЕНТЯБРДА УРГАНЧ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН II ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ.

Ватан севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Нархи: 3 сўм.

1992 йил 2 октябрь, жума № 194 (21.292).

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ФИНЛЯНДИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ М. КОЙВИСТОНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ

● Илгари хабар қилганимиздек, Финляндия Республикаси Президенти Мауно Койвисто жаноблари бошчилигидаги ҳукумат делегацияси 30 сентябрь куни Тошкентга келди.

И. Каримов Ўзбекистонга илк маротаба расмий ташриф буюрган олий мартабали меҳмонни самимий қутлади ва халқаро сиёсат майдонида катта обрўга эга бўлган давлат раҳбарининг мамлакатимизга ташриф буюриши муҳим аҳамиятга эга, деди. Унинг фикрича, Хельсинки шаҳрида Ўзбекистон Республикаси имзо чеккан Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги якунловчи ҳужжат Ўрта Осиё минтақасида тинчликни сақлаш ҳамда Европа мамлакатлари билан ҳар томонлама манфаатли алоқаларни йўлга қўйишда муҳим омил бўлади.

Финляндия Республикаси Президенти Тошкент аэропортида баёнот бериб, жумладан, шундай деди:

— Ўз мустақиллигини қўлга киритган ўзбек диёрига илк расмий ташрифимдан мақсад Финляндия ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар ривожига янги йўл очишдир. Биз Ўзбекистон билан расмий алоқаларни янги босқичга кўтариш тарафдоримиз, мамлакатларимиз ўртасида ҳар томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишни ҳамда барча соҳалар бўйича ҳамкорликни кенг миқёсда ривожлантиришни истаймиз.

* * *

1 октябрь куни «Дўрмон» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Финляндия Республикаси Президенти Мауно Койвисто билан учрашуви бўлиб ўтди.

Икки мамлакат Президенти эшикларни ёпиб қўйиб, яккама-якка суҳбатлашдилар. Халқаро масалалар ҳам, шунингдек иккала давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларга, Ўзбекистон билан Финляндиянинг турли соҳалардаги алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тааллуқли масалалар ҳам муҳокама қилинди. Иккала мамлакатнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти низоми қоидаларига ҳамда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг асосий ҳужжатларига содиқлиги тасдиқланди. Суҳбат давомида Европа давлатлари ҳамдўстлигидаги ва МДҲ мамлакатларидаги, жумладан, Ўрта Осиё минтақасидаги аҳвол масалалари ҳақида гаплашиб олинди.

Финляндия билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларига алоҳида эътибор берилди.

* * *

Бу ерда, «Дўрмон» қароргоҳининг ўзида, шу куни Ўзбекистон ҳукумати вакиллари, мансабдор шахсларнинг Финляндия Республикаси ҳукумат делегацияси аъзолари билан учрашуви бўлди. Ўзбекистон билан Финляндия ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга тааллуқли муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда Республика Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов, ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов қатнашдилар.

* * *

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида Финляндия Республикасининг Президенти Мауно Койвисто билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов 1 октябрь куни нон-туз билан, анвойи куз гулдасталари билан кутиб олинди.

Мустақил Ўзбекистондаги мана шу йирик саноат корхонасининг маҳсулоти дунёнинг ўнлаб мамлакатларида машҳур. Юк ташувчи қудратли «Ил-76» самолётлари учувчиларга жуда манзур бўлган. Бу осмон кемалари олис Шимолда ва Қорақумда одамларнинг оғирини енгил қилмоқда, кўп тоннали юкларни ҳеч қаерга қўнмасдан Тошкентдан неча минг километрлаб нарига элтиб бермоқда.

Президентлар бирлашманинг йиғув цехини кўздан кечирдилар. Бирлашма бош директори В. Журавлев олий мартабали меҳмонларга кўп минг кишилик самолётсозлар жамоасининг иши ҳақида гапириб берди, кўп йиллик шонли анъаналар билан уларни таништирди.

М. Койвисто буюртмачиларга жўнатиш учун тахт қилиб қўйилган Ил-76 ТД самолёти бўлмалари бўйлаб экскурсия қилди (қудратли осмон кемаси ичида сайр қилиб юришни айни экскурсия дедик). Ҳурматли меҳмон юк ташувчи самолётнинг қатнов асбоб-ускуналари, техникавий имкониятлари билан ярим соат мобайнида танишиб чиқди. Бундай қизиқишнинг сабаби равшан: шу тоифадаги осмон кемаларини ишлаб чиқарадиган давлатлар дунёда унчалик кўп эмас.

Учрашув тугагач, авиация бирлашмасининг меҳнатчилари Ил-76 ТД самолётининг макетларини Мауно Койвисто билан Ислом Каримовга совға қилиб топширдилар.

(ЎзА).



Суратларда: кутиб олиш ва музокаралар пайти.
Р. НУРИТДИНОВ олган сурат.

● *Шароф Рашидов номли жамғармага*

1 МИЛЛИОН СЎМ

Шароф Рашидовнинг Бухоро воҳасига Амударё сувини келишидаги хизматлари беқиёсдир. Умумий узунлиги деярли 250 километр бўлган бу улкан сунъий дарёни лойиҳалаш ва қурилиш ишлари унинг бевосита назорати остида олиб борилган эди. Зукко раҳбар мана шундай қилиб бухороликларнинг асрлар давомидаги орзу-умидларини амалга оширди. Оби-ҳаётдан қонган далалар гуллаб-яшнади. Бугунги кунда Бухоро вилояти республика пахтачилигининг йирик маконларидан биридир.

Бунинг ҳаммасини қалбан ҳис этган Аму—Бухоро машина канали қурилиши, Бухоро ирригация қурилиши, Бухоро — Орол сув қурилиши трести ва яна бир қатор сув хўжалиги ташкилотлари меҳнат жамоалари Шароф Рашидов жамғарма фондига улушлар ўтказишди.

Сув хўжалиги қурувчиларининг бу ташаббусига «Ўзбекгаз» саноати қурилиш трести, Бухоро уйсозлик комбинати, вилоят қурилиш ташкилотларининг яна катта гуруҳлари ҳам қўшилишди. Шу кунгача бухоролик меҳнат жамоалари жамғарма ҳисобига ўтказган маблағ 1 миллион сўмдан ошиб кетди.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲИММАТ

Шароф Рашидов номли 18-давлат хўжалиги Ульянов районида йирик кўп тармоқли совхоз. Меҳнат аҳли ҳар йили пахта ва бошқа деҳқончилик экинларидан мўл ҳосил етиштириб иқтисодиётни бойитиб бормоқда.

Хўжалик жамоаси Тошкентда Шароф Рашидов номли жамғарма ташкил этилганлигини зўр хурсандчилик билан кутиб олди. Улар дастлаб хамир учидан патир сифатида жамғарма ҳисобига 20 минг сўм маблағ ўтказдилар.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Шароф Рашидов номли жамғармага кечаги кунгача қуйидаги ташкилотлардан маблағлар келди:

● Ўзбекистон Республикаси Бинокорлик материаллари саноати вазирлигидан — 200 минг сўм.

● Ўзбекистон мева-сабзавот ва вино саноати концернидан — 100 минг сўм.

Жамғармага улуш қўшаётган вазирликлар, идоралар ва меҳнат жамоаларининг сафи кундан-кун кенгаймоқда.

Жамғарманинг банк ҳисобларини эслатиб ўтамиз: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар операция бошқармаси Ҳисоб-китоб марказидаги рақам — 000700825

(Код рақами 172682116).

САХОВАТИНГИЗ УЧУН МИНГ БОР ТАШАККУР, АЗИЗЛАР!

ХЎЖАЛИК МАРРАГА ЕТДИ

Олотлик деҳқонлар пахта тайёрлашда Бухоро вилояти туманлари ичида пешқадамлик қилишаётир. Туманда йиғим-теримни ўюшқоқлик билан ташкил этган бригада ва звенолар бирин-кетин ғалаба маррасига етиб келишяпти. Куни кеча «Олот» давлат хўжалиги пахтакорлари йиллик режа бажарилганлиги ҳақидаги рапортга имзо чекдилар.

Хўжалик миришкорлари бу йилги табиат қийинчиликларига қарамай ҳалол меҳнат қилиб, барча майдонларда мўл ҳосил етиштирдилар. Айниқса, йиғим-теримни тез ва соз ўтказишга катта эътибор берилди. Машиналар қувватидан унумли фойдаланиш мақсадида техника ва далалар мавсумга пухта тайёрланди.

Ҳаракатда — баракат, деганларидек мавсумга яхши ҳозирлик ўз самарасини берди. Дастлабки кунларданоқ юқори суръат таъминланди. Қисқа муддатда давлатга режадаги 700 тонна ўрнига 750 тонна сифатли хом ашё топширилди. Ана шу пахтанинг 490 тоннасини механизаторлар «пўлат этак»лардан тўкишди.

Ҳали далаларда ҳосил мўл. Хўжалик азаматлари унинг ҳаммасини тез кунлар ичида йиғиштириб олиш учун суръатга суръат қўшишяпти.

К. РИХСИЕВ.

РЕЖАЛАРИНИ БАЖАРИШМОҚДА

ШЕРОБОД. Районда пахта йиғим-терими кун сайин авжига чиқяпти. Масалан, бу ерда йиллик режанинг 3 фоизидан кўпроқ пахта тайёрланмоқда.

Райондаги В. Қодиров номли давлат хўжалигининг Пайғам Ҳусанов бошлиқ биринчи бўлими пахтакорлари эса давлат режасини уддалашга улгуришди. Хирмонга 452 тонна хом ашё тўкишди. Абдушукур Эсонов, Ўроз Чориев, Ўрол Тожиев бошлиқ бригадаларнинг аъзолари эса икки режа миқдорида пахта етиштирамиз, дейишмоқда.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ҚАШҚАДАРЁ

ГАЗЛАШТИРИЛГАН ҚИШЛОҚЛАР

● Муборак районидаги Хитой, Қорақум, Чоретим қишлоқлари газлаштирилди.

Салкам икки йилда 870 дан зиёд хонадонда «зангори олов» ёна бошлади. 41 километр масофага газ қувури ётқизилди. Бу ишда Қаршидаги 4-механизациялаштирилган кўчма колонна бунёдкорлари жонбозлик кўрсатдилар.

— Қишлоқларимизни газлаштиришда Муборак газни қайта ишлаш заводи маъмурияти яқиндан ёрдам бермоқда, — дейди «Хитой» давлат хўжалиги директори Мели Йўлдошев. — Уларни бизга моддий ёрдам кўрсатаётганининг боиси бор. Корхона ишчиларининг 47 фонзи совхозимиз ҳудудида яшайди. Яна 15 километр масофага табиий газ қувури ётқизилса, қишлоқларимизни тўлиқ газлаштиришга эришамиз.

● ФАРҒОНА

АМЕРИКАЛИК ОЛИМ ДАЛА КЕЗАДИ

● ФАРҒОНАГА Халқаро тиклаш ва тараққиёт банкининг Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Озарбайжон бўйича ишончли вакили, америкалик иқтисодчи профессор Сельвина Ватник раҳбарлигидаги делегация ташриф буюрди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикасининг юқоридаги банкка аъзоликка қабул этилиши муносабати билан Фарғона вилоятидаги иқтисодий, сиёсий аҳволга қизиқдилар. Вилоятда пахта, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш имкониятлари ва истиқболларини ўргандилар. Делегация аъзолари Фарғона районидаги бир қатор қишлоқ хўжалик корхоналарида бўлишди. Пахта йиғим-терими бораётган далаларга чиқиб, теримнинг бориши, унинг механизациялаштирилиши, пахтани қайта ишлашга жўнатиш жараёнларини кўздан кечирдилар. Делегация вилоят ҳокимлигида қабул қилинди.

Алишер ИБОДИНОВ.

● АНДИЖОН

БИР ҚИШЛОҚДА ЎТТИЗ КОРХОНА

● АНДИЖОН районида дўппидеккина бир қишлоқ бор. Адир бағрида жойлашган бу қишлоқни обод қилишда Абдухалил Исмонловнинг хизмати катта бўлган. У бир неча йил колхозга раислик қилган, халқнинг меҳрини қозонган. Қишлоқ аҳолиси унинг ҳалол меҳнатини унутмади. Киров номли жамоа хўжалиги номи ўзгартирилиб, «Абдухалил Исмонлов» деб атай бошланди.

Кейинги йилларда ана шу хўжалик давлатдан қарздор бўлиб қолди. Бошқарув раиси Абдураҳмон Қодиров қишлоқни саноатлаштириш йўлини тутди. Барнаул, Подольскдан 150 та тикув машинаси келтирилди. Андижон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ёрдамида қишлоқда кичик тикувчилик фабрикаси очди. Кеча пахта терган, сигир соққан, мева узган қизжувонлар бугун бинойидек тикувчи бўлиб қолишди. Корхона ишлаб чиқарган маҳсулот бошқа эҳтиёж буюмлари билан алмаштирилди. Шу митти корхонанинг ўзиёқ йилига салкам миллион сўмдан фойда келтира бошлади.

— Қишлоқда мева-сабзавот консерва тайёрлайдиган завод қурдик, — дейди хўжалик раиси А. Қодиров, — унинг маҳсулоти Ҳамдўстлик республикаларида харидоргир. Мева-сабзавотнинг бир қисмини ўзимиз етиштирамиз. Бир қисмини эса қўшни Ҳакан қишлоғи аҳолисидан оламиз. Автомобилларнинг эҳтиёт қисмлари камайиб кетди. Шуни ҳисобга олиб қишлоқда машиналарнинг совутгич қурилмаси — радиатор тайёрлайдиган кичик корхона очдик. Бир йилда 2 мингдан ортиқ совутгич тайёрлаб сотдик. Тикувчилик, гиламчилик, қандолатчилик, темирчилик, каби 30 та кичик корхонага эга бўлдик. Булар мустақиллиқнинг меваларидир.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ.

● *Мухбиримиз бонг уради* ●

СОЛИҚ — САДАҚА ЭМАС

ЁКИ ДАВЛАТ СОЛИҒИНИ ТЎЛАШДАН ТАЙСАЛЛАЕТГАН ИДОРА РАҲБАРЛАРИ ХУСУСИДА

Алқисса, закот тўлашдан бош тортиш, садақа бермаслик гуноҳи азим эканлиги муқаддас китобларда ҳам зикр этилган. Исмонл Ал-Бухорийнинг «Ҳадис»ларида эса мурувватсиз инсоннинг икки дунёси ҳам обод бўлмагай, дейилади. Маълум бўлишича, Самарқандда бировга мурувват кўрсатиш у ёқда турсин, давлат ҳақига хиёнат қилаётганлар анчагина экан...

— Кичик корхона ва ширкатларнинг раҳбарлари давлат солиғи садақа эмаслигини тушунишни истамайди, — дейди вилоят солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Абдурашид Жўраев. — Ўз манфаати учун бўладиган харажатларда улар Хотамтойдан қолишмайдилар. Давлат солиғига келганда эса минг битта баҳона кўрсатишади.

У сўзини тугатиб олдимизга бир даста ҳужжат кўйди. Уларга кўз югуртирамиз:

1992 йилнинг ўтган ойлари давомида солиқ идораси томонидан текширилган 301 та ширкат, 219 та кичик корхона, 5 та қўшма корхона ва 12 та ассоциацияда солиқ тўлаш қоидалари бузилганлиги аниқланди. Улардан ундирилган 12 миллион сўм пул маҳаллий бюджет даромадига туширилди. 200 нафар раҳбар ходимга жарима солинди.

Сиёбдаги «Сайёҳ», Оқдарёдаги «Прогресс» (номини қаранг!), Боғишамолдаги «Аван», Темирйўл районидаги «Забардаст» ширкатлари 120 мингдан 431 минг сўмгача бўлган маблағни солиқ тўлаш даромадидан яширимоқчи бўлишган. Бундан ташқари кўплаб ширкат ва корхоналар даромадларни кўрсатишда атайин «хатолик»ларга йўл қўядилар. Ҳатто текшириш давомида Челак районидаги «Насиба» агрофирмасида 10 минг сўм пул ноқонуний ўзлаштирилгани аниқланди ва бу иш прокуратурага оширилди.

Боғишамол районида «Мия» деган жавобгарлиги чекланган кичик корхона бор. Ана шу корхона директори И. Р. Гарбер ва бош ҳисобчи А. Ким давлат солиғининг уч туридан даромадларни яширгани учун нақ чўнтакларидан 2400 сўм жарима тўладилар. Зора бу жазо уларнинг кўзини очса...

Хўжалик ҳисобидаги «Конструктор» кичик корхонаси директори Г. Ғаффоров, ҳисобчиси И. Бобкова, «Аван» кичик корхонаси директори Р. Я. Калиев, бош ҳисобчиси И. Лимлар ҳам молиявий шумликлари эвазига чўнтакларини бўшатиб оладилар.

— Очиғини айтсам, бу жарималар кичик корхона ва ширкат раҳбарлари учун бита тушликнинг харажати холос, — деди биз билан суҳбатда Боғишамол район солиқ идораси бошлиғи Тоҳир Исматов.

— Умуман раҳбарларга солинадиган жаримани кўпайтириш керак. Бизнинг районда ҳатто икки-уч марталаб молиявий интизомни бузган раҳбарлар бор. Йилнинг ўтган даврида даромадни яширганлардан 1 миллион 330 минг сўм ундирдик. Назорат сусайганлиги учун 62 та ташкилот молиявий ҳисоботни ўз вақтида топширмаган. Натижада биз 24 та ташкилотнинг ҳисобини ёпиб қўйдик. 105 нафар мансабдор шахсга жарима солдик.

Бунисиқу майли-я, давлат идоралари ва молия органларининг ўзлари солиқ тўлашдаги қоидаларни бузсалар нима дейсиз?

Темирйўл райони солиқ идораси тўлов талабномасига биноан Самарқанддаги саноат-қурилиш банки ходимлари «Сино» акционерлик жамиятидан 6 миллион 695 минг сўм миқдоридаги солиқни ундиришлари зарур эди. Аммо улар бу ишни 36 кун пайсалга солдилар. Натижада ишга вилоят солиқ бошқармаси аралашишга мажбур бўлди. Банк маҳаллий бюджетга 1 миллион 205 минг сўм пения тўлайдиган бўлди.

Шу ва шунга ўхшаш операцияларда масъулиятсизлик қилгани учун вилоят банклари кенгашининг кенгайтирилган мажлисида банк бошқарувчиси Р. Аҳроржуловга хайфсан, унинг ўринбосари С. Пакга сўнгги огоҳлантириш эълон қилинди. Бош ҳисобчи Д. Исмонлова вазифасидан бўшатилди.

Хуллас, давлат солиғи садақа эмас, қонуний бурч. Уни бажо келтириш ҳам фарз, ҳам қарз. Буни унутмайлик.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН—АВСТРИЯ

Шавкат ЯҲЁЕВ

БИР ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН ЎН ЙИЛЛИКЛАР ИШИНИ ҚИЛДИ

●Шу йил 18—20 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Австрия Республикасига амалий ташриф буюрди. Уч кун ичида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Австрия Республикасининг федерал канцлери Ф. Враницкий билан икки марта учрашув ўтказди. Ўзбекистон делегацияси Австрия Республикасининг олий даражадаги арбоблари билан музокаралар олиб борди. Ислом Каримовнинг Австрия Республикасининг банк бошлиқлари, бизнесменлар — ишбилармонлари билан учрашуви гоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон—Австрия муносабатларини ривожлантириш юзасидан фойдали ва ажойиб таклифлар билдирилган бу амалий ташриф чоғидаги келишувлар яқин вақт ичида амалга оширила бошланади.

Қуйида Ўзбекистон делегациясининг аъзоси, сиёсий публицист Шавкат ЯҲЁЕВнинг таассуротларини эътиборингизга ҳавола этяпмиз.

АВСТРИЯ Республикасида, гўзал Венада илгарилари ҳам бўлганман. Аммо бу расмий ташриф чоғидаги таассуротларим бир дунёдир. Австриянинг умумий майдони 84 минг квадрат километрни ташкил этади. Унинг аҳолиси 7,8 миллион кишидан иборат бўлиб, пойтахти Венада 1,5 миллиондан зиёд киши истиқомат қилади. Австрия — федератив республика ҳисобланади. 1918 йил 1 ноябрда у республика деб эълон қилинган. Бу ерда 1920 йилнинг 1 октябрида қабул этилган Конституция амал қилади.

Австрия дунё тақдири ҳал этилган жуда кўплаб халқаро учрашув ва муноза-ларнинг маркази бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундайдир. У ташқи сиёсатда холислик йўлини тутади. Айнан шу нарса дунё кучлари нисбатида унинг нақадар муҳим ўрин тутишини белгилаб беради. Халқаро муносабатлардаги унинг таъсири ва обрўси ҳам шундандир.

Австрия халқи бутун жаҳонга ўз маданий қадриятлари билангина эмас, фан ва иқтисодиёт соҳаларида эришган жуда катта ютуқлари билан ҳам маълум ва машҳурдир. Биргина мисол. Бу мамлакатда 18 та Нобель мукофоти совриндорлари етишиб чиққанлигининг ўзи ҳам майдони ва аҳолиси нисбатан унча катта бўлмаган республиканинг иқтидоридан яққол далолат бериб турибди. Саноати ҳам юксак даражада ривожланган Австрия Республикаси бугунги кунда фақат Европанинг эмас, балки жаҳоннинг марказига айланганлигига тан бермай бўлмайди. Бу ерга ҳар йили 9 миллионга яқин сайёҳлар келиб туришининг ўзиёқ 7,5 миллиондан сал ошиқ аҳолиси бўлган Австрия учун жаҳоншумул воқеа эмасми?

Унинг пойтахти гўзал Вена фақат энг йирик халқаро марказгина бўлиб қолмай, тинчлик сиёсати ва ишбилармонликнинг муҳим марказларидан бири сифатида ҳам шуҳрат қозонди. Моцарт, Шуберт, Штраус ва бошқа гениал бастакорлар Венани жаҳон мусиқаси ва санъатининг кўпчилик тан олган марказига айлантирдилар. Улар бутун инсониятнинг фахри бўлиб, ўзларидан беқиёс маданий ёдгорлик қолдирганлар. Демак, Европанинг қоқ марказида жойлашган Австрия Республикаси фақат Европа маданиятининг шаклланиши ва ривожигагина эмас, балки жаҳон маданий тараққиётига ҳам бебаҳо ҳисса қўшган. Венани эса биз фақат қудратли саноат маркази сифатидагина эмас, балки машинасозлик, енгил ва тўқимачилик саноати, асбобсозлик кенг ривожланган шаҳар сифатида ҳам яхши биламиз. Вена дорилфунуни, Жаҳон савдо институти, Тасвирий санъат академияси, бутун дунёга машҳурдир. Австрия Республикасига амалий ташриф чоғида бўлган учрашувларда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Австрия ва унинг пойтахти Венанинг бу ва бошқа ажойиб хусусиятларини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ана шу гўзал ўлкада ўтказган кунларимиз бениҳоя мароқли ва биз учун ҳам, Австрия учун ҳам жуда фойдали бўлди. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бу амалий ташрифи билан Австрия — Ўзбекистон муносабатларида янги саҳифа очди, Австрия орқали Ўзбекистон Европага ҳам дўстлик ва ҳамкорлик қўлини узатди. И. А. Каримовнинг Австрия Республикасининг федерал президенти Т. Клестиль билан самимий ва дилкаш мулоқотлари, Австрия Республикасининг федерал канцлери Ф. Враницкий, Австрия Республикаси миллат мажлисининг раиси Х. Фишер ва Вена ўлкаси ҳукуматининг бошлиғи — Вена шаҳрининг ҳокими, Қуйи Австрия ўлкаси ҳукуматининг бошлиғи — Дюрнштайн шаҳрининг ҳокими ҳамда Австрия савдо-саноат доираларининг вакиллари билан учрашувлари Австрия матбуотида, бизда ҳам кенг ёритилди. Ҳамма ерда бизни шодиёна кутиб олишгани, энг муҳими ташрифнинг амалий натижаларига катта умид боғлаётганимиз диққатга моликдир.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Австрия федерал канцлери Ўзбекистон Президенти билан бундан аввал — 1983 йилда Тошкентда сўнгра Бойқўғирда ва Хельсинкида кўришган эдилар. Бундан ташқари Ислом Каримов номига хорижий мамлакатларга ташриф буюриш тўғрисида таклифлар тез-тез келиб туришига қарамай у Австрияга боришни афзал кўрди. Чунки, икки мамлакат бир-бирига зўр қизиқиш билан қараётган эди. Австрия Республикасининг раҳбарлари билан ошкора, дўстона суҳбатларда ҳам, Австриянинг сиёсат ва савдо-саноат доираларида ҳам мустақил Ўзбекистонга, унинг истиқболига гоятда ишонч билан қараётганликлари ёрқин намоён бўлди. Учрашувлар чоғида шу нарса алоҳида таъкидлаб ўтилдики, ўтган бир йил ичида Ўзбекистон ўн йилларда қилинган ишлардан ҳам кўпроқ ютуқларга эришди. Ўзбекистон бир томондан кўп асрлик тарихга эга бўлса, иккинчи томондан мустақиллигининг бир йиллигини яқиндагина нишонлаган жуда ёш давлатдир. Республикамиз ўз ташқи сиёсатини мустақил суратда олиб боряпти. Жаҳон ҳамжамиятига киришнинг ўз йўлларини ишлаб чиқмоқда, давлатлараро муносабатларнинг устувор йўналишларини белгиламоқда. Буни ҳозирги пайтда жаҳоннинг 120 дан зиёд давлати Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини тан олгани ва эллик мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

Европа мамлакатлари, жумладан Австрия билан ҳамкорлик бизнинг республикамизга замонавий илғор технологияга кенг йўл очиш, саноат тармоқларини янада ривожлантиришга имкон беради. Австриянинг кадрлар тайёрлашдаги, айниқса банк ва молиявий соҳалардаги, хусусийлаштириш ва солиқ сиёсатини ўтказишдаги тажрибаси республикамиз учун қизиқарлидир. Негаки, Ўзбекистон ривожланган давлатларнинг энг яхши, илғор тажрибаларидан муттасил фойдаланиб боради ва уларни ўз республикамиз шароитларига татбиқ этади. Ислом Каримов Ўрта Осиёдаги энг қудратли республикалардан биридаги ижтимоий, иқтисодий вазиятни тавсифлаб, Ўзбекистонда хом ашё ишлаб чиқариш базаси етарли даражада мустаҳкам эканлигини ва бу ерда ривожланган хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун эндиликда ҳуқуқий асослар вужудга келтирилганини таъкидлагани бежиз эмас.

Республикамизда шуни яхши эслашадики, биз Австрияга пахта, қоракўл ва бошқа маҳсулотлар экспорт қиламиз. Ўз навбатида Австрия ҳам бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш бўйича бизга комплекс ускуналар юборир туради. Улардан турли хил машиналар ва аппаратуралар, назорат-ўлчов асбоблари, тўқимачилик ва трикотаж буюмлари келиб турибди. Илмий ва бошқа соҳалардаги алоқаларимизга ҳам йўл очиқ.

Ҳозирги пайтда республикамизда австриялик шериклар иштирокида 12 та қўшма корхона муваффақиятли ишлаб турибди. Улар кенг истеъмол моллари, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш ва юк ташиш, ҳисоблаш-техникаси, тиббиёт, фойдали қазилмалар учун ишланмалар, савдо-сотиқ соҳаларида фаол иш олиб боряпти. Австрия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳар икки юрт халқларининг манфаатларига тўла жавоб беради, ўзаро фойдали, кўп қиррали алоқалар эса ер юзида тинчлик ишига хизмат қилади. Австрия билан тўғридан-тўғри ва кўп қиррали алоқалар истиқболда Ўзбекистонни янада мустаҳкамлашга, ҳозирги иқтисодий қийинчиликларни енгиб ўтиш ва аҳоли турмушини яхшилашга кўмаклашади.

(Давоми бор).



• Водийнинг «қора олтин»и

МИНГБУЛОҚ АТРОФИДАГИ МИШ-МИШЛАР

Автобусда иккита йўлдош гаплашиб кетишяпти:

— Мингбулоқда нефть чиқмай қоптими?

— Оловни ўчиргандан кейин тақа-тақ тўхтабди.

— Шундай бойликни эплашолмади-я?

— Нимасини айтасиз, ер ўпирилиб, конни босиб қопти. Нефть қочиб кетганмиш.

— Қаёққа қочади? У айғирмидики, тизгинини узиб қочса?!

— Ким билади, ер тагида йўл бор дейишади, Арабистонми, Туркманистонми — ўша ёқларга оқиб кетганмиш...

Хуллас, бунақа миш-мишларни кейинги пайтларда Фарғона водийси бўйлаб қатнайдиган автобусларда, ўзаро суҳбат-гурунгларда бот-бот эшитиб турамиз.

Чиндан ҳам Мингбулоқда ер қаъридан отилиб чиқиб, қанча-қанча кончиларни кечалаб-кундузлаб мижжа қоқмай ишлашга мажбур этган, ташвишга солган «қора олтин»миз тақдири нима бўлди, нима бўляпти?

Бу саволга жавоб олиш учун Мингбулоқ конини ва бошқа конларни очган қидирувчи геологлар ҳузурига йўл олдик. Андижон кон қидирув-геофизика отрядининг бош инженери Эргаш Ҳожимат ўғли Мадумаров билан суҳбатлашдик.

Мингбулоқ нефть кони ҳақида одамлардан эшитган турли-туман миш-мишлардан гап очганимда, Эргашжон кулимсираб, бир қадар ўнғайсизланди-да:

— Мен ҳам автобусларда юрганимда шунақа гапларни кўп эшитяпман, — дейди у. — Лекин ҳаммага бу тўғрида изоҳ беришга фурсат борми? Бунинг устига, биттага, иккитага, ана борингки ўнтага тушунтираман, ахир бунақа фикрдагилар сон мингта-ку! Уларга қандай тушунтириб бўлади дейману, индамай кетавераман...

Хўш, республикамиз халқи беҳад умидланган Мингбулоқ конида нималар кечяпти ҳозир? Бу саволга жавоб олишдан олдин Фарғона водийсидаги нефть ва газ конлари тарихига андак кўз ташлашга тўғри келади.

Маълумки, водийда «қора олтин» борлигини асримиздан олдинроқ рус ва хорижий кон қидирувчилар билганлар. Бунинг натижаси ўлароқ асримиз бошланишида Фарғона яқинидаги Чимён ўрамида иш бошланиб, дастлабки нефть маҳсулоти олина бошлаган. Бироқ Россия марказидан узоқда бўлган бу конни кенг миқёсда ишга солиш имконияти бўлмаган. Бунинг яна бир сабаби хом ашё заҳираси ундан саноат асосида фойдаланишга етарли эмас эди.

Совет даврида, айниқса Улуғ Ватан уруши йилларида нефть маҳсулотларига талаб кучайганда, водийда кон қидирув ишлари кенг миқёсда бошланиб кетди. Дастлаб Андижон шаҳри яқинидаги Кулла ва Райиш адирликларида пармалаш-бурғулаш ишлари бошланиб, 1943 йилда биринчи нефть чиқарилди. Шундан кейин Полвонтош, Жанубий Оламушук нефть конлари очилиб, ишга солинди. Йиллар ўта борган сайин водийнинг турли ҳудудларида Хатум, Наманган, Хўжаобод, Чуст — Поп конлари юзага келди. Бу конларда маҳсулот асосан юза қатламлардан — тўрт минг метрча бўлган чуқурликдан тортиб олинди. Бора-бора водий нефть конларидан олинадиган хом ашё миқдори камая борди.

Шундай шароитда геофизик олимлар, кон қидирувчилар икки йўналишда иш бошладилар. Биринчиси, чуқур қатламларда нефть заҳирасини қидириб топиш; иккинчиси, эски конлардаги фойдаланилмай турган қатламларни ишга солиш. Ҳар икки йўналишдаги қидирув ишлари самарали бўлиб чиқди. Масалан, эски конларни қайта ишга солиш, яъни фойдаланилмаган қатламларга қўл уриш натижасида Жанубий Оламушук конидаги 723- ва 738-қудуқлардан нефть олиш бир кеча-кундузда 25 тоннагача кўпайтирилди.

Водийда «қора олтин» қазиб олишнинг кенг истиқболига асосан чуқур қатламларга қувур туширишни орқали эришиш мумкинлиги кейинги ўн йилликларда аён бўлди. Одатда кўп хорижий давлатларда, хусусан Америка Қўшма Штатларида ҳам яқингача 6000 метргача чуқурликда қувур ишлари олиб бориш кўзланган мақсадни бермайди, деб ҳисоблаб келинарди. Аввало, чуқур қатламларда нефть бўлиши гумон. Қолаверса, уни қазиш кўп меҳнат ва маблағ талаб қилади, дейишарди. Бироқ хорижда чуқур қатламлар разведка тариқасида қазилганида, ижобий натижа олинди. Буни кўриб бизнинг геолог-қидирувчиларимиз ҳам чуқур қатламларни очишга қизиқиб қолдилар.

1970 йилда Мингбулоқ ўрамида тўртта қудуқ кавлаш мақсадида биринчи минора ўрнатилди. Шундан буён қидирувчилар «қора олтин» умидида меҳнат қилиб келдилар. Масалан, биринчи рақамли қудуқда тўрт минг саккиз юз метрга етганда нефть чиқди. Иккинчи рақамли қудуқ ўша масофага етказилганда ҳам нефтдан нишона бўлмай, қазиш тўхтатилди. Учинчи рақамли қудуқдан беш минг уч юз метрга бурғуланиб етилганда, нефть олинди. Шундай бўлса ҳам бу қудуқни лойиҳадаги 6 минг олти метргача қазиб етказилди.

Шуниси қувончлики, дунёдаги конларда нефть хом ашёси полиоген қатламининг ё биттасида, ё иккитасида, нари борса учтасида жойлашган бўлади. Хўш, Мингбулоққа қайтайлик. Қидирувчилар оромини бузган бешинчи рақамли (тўртинчи қудуқ ҳали бошланмаган) қудуқни лойиҳа бўйича олти минг метргача кавлаш мўлжалланганди. Кончилар бир неча минг метр бурғулашган эди. Одатда қудуқ қазилаётганда айни пайтда қудуқ атрофлари ўпирилиб кетмасин, ё бегона сувлар, суюқлик қўшилмасин деб, атрофи цементлаб борилади. Бешинчи қудуқнинг ҳам 5200 метри цементланган эди. Қолган қисмини ҳам яна бироз қазиб борилгач, цементламоқчи эдилар. Бироқ бу иш бошланмай туриб, бирдан «қора олтин» отилиб чиқа бошлади ва ҳаммага маълум бўлган ташвишли кунлар бошланди.

Ҳайрият, дўстларнинг ёрдами, кончиларнинг фидокорлик кўрсатиб қилган меҳнати сабабли олов ўчирилиб, фаввора жиловланди.

Бу ёғи нима бўляпти? Андижон кон қидирув геофизика отрядининг бош муҳандиси Эргаш Мадумаровга мурожаат қиламиз.

— Конда ишлар қизғин боряпти, — дейди Эргашжон, — Қудуққа туширилган пўлат қувурларнинг 4800 метридан 3700 метри чиқариб олинди. Қолган қисмини ҳам чиқариб олиш чоралари кўрилмоқда. Фаввора қувватини пасайтириш мақсадида қувурдан туширилган соққа шаклидаги ускуналар қувурнинг қуйи қисмида йиғилиб қолган. Энди шу йўналишда қудуқни пармалаб ўтишнинг иложи йўқ. Шунинг учун уни ёнлаб ўтиб, лойиҳада кўрсатилган чуқурликкача бурғулаш кўзда тутилмоқда.

Бу иш поёнига етказилгач, қудуқда нефть оқимини бир меъёрда ушлаб турадиган махсус тешикча ҳосил қилинади. Ўшанда яна «қора олтин» халқимизга хизмат қила бошлайди. Бу бешинчи қудуқ атрофида яна битта қудуқни бурғулаш учун минора ўрнатдик. Уларда ҳам бурғулаш ишлари бошланди.

Мустақил Ўзбекистоннинг бойлиги сифатида ер қаърида шай бўлиб турган қимматли хом ашё ҳеч қаёққа қочиб кетгани йўқ. У кончиларимиз йўлига пешвоз чиқиб турибди. Республикамиз фуқаролари миш-мишларга қулоқ солмай хотиржам турсинлар...

Ҳа, Мингбулоқ «қора олтин»и элимизга хизмат қилади.

Ўша кунларга Оллоҳ тинчликда, аҳиллиқда етгулик қилгай.

Рустам РАҲМОН,
«Ўзбекистон овози»нинг Фарғона водийси бўйича махсус мухбири.

ЛУҚМА

КОФИР ҚАЛЪА КЕЧИРАРМИКИН?

ЁКИ VIII АСРДАН БЕРИ ДАРҒОМ КАНАЛИ БУЙИДА СУКУТ САҚЛАБ КЕЛАЁТГАН ЁДГОРЛИК ВА УНГА НИСБАТАН САЛБИЙ МУНОСАБАТ ҲАҚИДА

Сўзнинг аввалида мозийга бир назар. Эрамизнинг I—VIII асрларида «яшаган» Кофир қалъа тарихий аҳамияти ва катталиги жиҳатидан Афросиёб билан тенглашадиган ёдгорлик. У уч қисмдан иборат, АРКда ҳукмдорлар, уламолар, казолар, ШАҲРИСТОНДА оддий шаҳарликлар ва РАВОТда эса ҳунармандлар яшаганлар.

Манбаларда қайд этилишича, Кофир қалъа қадимда Самарқанд подшоларининг ёзги саройи ҳисобланган ва бу ерда жуда катта девон ҳамда ҳужжатхона (архив) бўлган. Сарой деворларига ранг-баранг нақшлар, суратлар чизилган. Шунингдек, у Буюк Ипак йўлидаги машҳур қўнимгоҳ, бекатлардан биридир.

Г. Григорьев, В. Нильсон, О. Ростовцева, Г. Шишкина каби археологлар турли йиллар давомида ёдгорлик майдонида қазиш ишларини олиб бордилар ва Сўғдиёна тарихига оид қимматли ашёвий далилларни қўлга киритдилар.

Минг афсуски, сукут сақлаб турган қалъанинг бағри бугун дарду ҳасратга тўла. Чунки дастлаб Шредер номли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси вилоят филиали кўҳна шаҳарнинг шарқий бўлаги—кулоллар маҳалласи ўрнини бузиб, боғ барпо этди. Ўрта аср кулолларининг бизга етиб келиши мумкин бўлган меросларини замин қаърида қолиб кетди. Кўп ўтмай Самарқанд районида М. Горький номли жамоа хўжалиги ёдгорликларнинг жанубий томонига туташ оташпарастлар қабристонини текислаб, экин майдонига айлантириб юборди. Ваҳолонки, Исломдан олдин Туронда мавжуд бўлган оташпарастлар анъаналари, турмуш тарзи ҳақида кўплаб маълумот олиш мумкин эди.

— Аслини олганда ёдгорлик атрофидаги ерлар хўжалик чегарасига кирмайди,— дейди археолог Амириддин Бердимуродов. — Аммо М. Горький номли жамоа хўжалиги бошқаруви раҳбарлари қалъани Дарғом каналига келтириб қисиб қўйишди. Бу ҳам етмаганидек, улар вилоят маҳаллий саноат бошқармасига қарашли «Мадина» кичик корхонасига бу ерда ғишт заводи қуришга рухсат беришди. «Мадина» ишбилармонлари эса ёдгорлик атрофини аллақачон бузиб ташлашди. Бизнинг оҳу ноламиз, елибюгуришимиз фойда бермаяпти.

Тўғри, ноз-неъмат етиштириш, ғишт тайёрлаш бугун зарурдан зарур нарса. Бироқ тарихимизга, меросимизга бу қадар муносабат ҳам ҳеч қайси қонун-қоидага тўғри келмайди-ку!

Биз тарихий мероснинг аҳамияти ҳақида насиҳат қилишдан йироқмиз. Самарқанддаги мутасадди идоралар бу масалада узоқни кўзлаб иш тутадилар деган умиддамиз. Акс ҳолда, юртимизни етти иқлимга машҳур этган Кофир қалъа бизни кечирмайди!

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШАРОФ РАШИДОВ ҲАҚИДА РИСОЛА

Жумҳуриятимизда атоқли адиб, давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига қизғин тайёргарлик кўриляпти. Қаршидаги «Насаф» нашриётида «Табаррук излар» номли рисола босмадан чиқди. Унда Ш. Рашидовнинг Қарши чўлларини ўзлаштиришга, Қашқадарё халқ хўжалиги ва маданиятини юксалтиришга қўшган ҳиссаси тўғрисида, унинг ажойиб инсоний фазилатлари ҳақида ҳикоя қилинади. Китобча муаллифлари қашқадарёлик ёзувчи Орол Мўминов ва журналист Мусо Каромовлардир.

«Табаррук излар» 20 минг нусҳада, чиройли муқовада, суратлар билан чоп этилди.

А. ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири.



РУҲЛАР ҚАЧОН ҚАЙТАДИ?

Одам эски либосини ташлаб, янгисини кийгани каби руҳ ҳам эски ва яроқсиз вужудини ташлаб, янгисини «кияди».

Бхагавад—ГИТА, (ҳинд файласуфи).

Ҳозирги вақтда олимларда ҳам, аҳолининг кенг қатламида ҳам Коинотнинг пайдо бўлиши, инсониятнинг келиб чиқиши, Ердан ўзга оламлар ва дунёқарашга оид муҳим муаммоларга нисбатан қизиқиш ниҳоятда ошиб кетди. Бунга номаълум учувчи жисмлар. Бермуд учбурчаги, инс-жинслар, полтергейст, экстрасенслар тўғрисида узлуксиз берилаётган хабарлар сабабчи бўлмоқда. Оқибатда эса динда тушунтириб берилган, аммо замонавий фан изоҳлаб бера олмаётган воқеа-ҳодисалар кўпайгандан кўпайиб бормоқда. Қолаверса, олимларнинг кўпчилиги мазкур ҳолатни инкор қилмоқдалар.

Бу суҳбатда руҳлар хусусида тўхталмоқчимиз. Ҳинд олимлари 1975 йилдан бери руҳ вужуддан-вужудга кўчиб юради, бу ҳодисани олимлар 250 маротаба ўрганганини, қайта туғилганлар аксари ҳолда ўлдирилганини, 82 фоизи эса аввалги ҳаётини яхши эслашларини таъкидлашади. Руҳ маълум йиллар ўтиши билан бошқа вужудга кўчади. Бундай ҳодисалар Ҳиндистондагина эмас, балки бутун дунёда тадқиқ этилмоқда. 1972 йили АҚШнинг бир компанияси тайёра ҳалокатига учраганди. Неча йилдирки, шу тайёранинг учувчилари мазкур авиакомпанияга қарашли тайёраларда пайдо бўлиб, ҳаммани қўрқитиб келишди, кейинчалик эса кўринмай қўйишди. Ўлимдан кейинги ҳаёт муаммоси инсон умрининг асосий масаласидир. Бу масалага ҳинд фалсафаси ҳеч қачон совуқ қонлик билан қарамаган. Жонли мавжудотнинг бир ҳаётдан иккинчи ҳаётга вужуднинг ўлими орқали ўтиши моддий оламнинг қонунидир.

Руҳ нима ўзи? Руҳлар мавжудми? — деган саволларга илмий нуқтаи назар билан қарайдиган бўлсак, фалсафада шундай қонуният мавжуд: бордан йўқ бўлмайди, йўқдан бор бўлмайди. Маълумки, жисмлар уч хил кўринишга, қаттиқ, суюқ ҳамда газ ҳолатдаги ёки майдон шаклига эга. Инсон онги, мияси ишлаб чиқадиган жисмларнинг учинчи кўринишидагидек моддий майдон ҳолатидадир. Яна мисолларга қайтсак: Гипноз ёки бировнинг фикрини ўқиш ҳодисаси, одам миясидан тарқалаётган кўзга кўринмас моддий заррачалар бошқа бирон-бир одамнинг онгига таъсир этади. Демак, таъсир моддий майдон шаклидадир. Инсон мияси ўзўзидан доимо фикрлар тарқатиб туради. Шу билан бирга инсон фикрларини, ҳис-туйғулари-ю тана бошқарилишини ўзига жамловчи ёки сақловчи восита бўлиб хизмат қилади. Биз буни хотира деб юритамиз.

Олам сирлари

Америкалик олимлар ва бир қанча мутахассисларнинг таъкидлашича, ер шари атрофида қандайдир ноҳиҳий «информация» қобиғи мавжуд экан. Айримлар эса бу ҳодисани «ташқи онг» деб таърифлайдилар. Майдон шаклидаги мана шу тарқатилаётган фикрлар бошқа кишилар онгига таъсир этиб, янги фикрларни пайдо қилиши мумкин. Лекин улар асосий атмосферага тарқалиб, бевосита информация қобиғига, яъни ташқи онгга бориб жамланади.

Болгариялик дунёга машҳур фолбин Ванга эса нафақат инсонлар, балки ҳайвонларнинг руҳларини «кўриб», улар билан бемалол гаплашаётир. Жуна, Чумак ҳамда Вангалардан бу хилдаги ғайри оддий ишларни ёки башоратчиларнинг сирини изоҳлаб беришни сўраганларида улар бу турдаги маълумотларни руҳлар ёрдамида атмосферадан — «информация қобиғидан» оламиз деб айтишган. Лекин руҳ деб айтаётган нарса аслида нима? Бордан йўқ бўлмайди... фалсафий қонунга кўра инсон фоний дунёга йўл олгач, унинг танаси ўзига мос бўлган материя турига сингади, лекин унинг психик жиҳатларини белгиловчи фикрлари, ҳис-туйғуси, хаёллар мажмуаси бўлган онги (моддий майдон шаклидаги) ҳам ўзига хос материя турига сингиши керак. Инсон танасининг қаттиқ қисми ўзига хос қаттиқ жисмларга сингар экан, ўз навбатида инсонда мавжуд бўлган кўзга кўринмас майдон (яъни онг) ҳам танадан ажралиб чиқиб, ўзига хос бўлган газсимон ёки майдонсимон атмосферага сингади. Улар йўқ бўлиб кетмайди. Улар индивидуал майдон сифатида мавжуддир. Авлодларимиз руҳ деб уқтиришган нарса аслида шу индивидуал моддий майдон.

Инсон танасининг вазифаси ўзининг меваси бўлган онгни камол топтириш ва шакллантиришдир. Инсоннинг бутун ҳаёти давомида онг шакллана боради ва охир оқибатда инсонда фикрлар, ҳис-туйғулар мажмуаси сифатида вояга етади. Таъкидлаганимиздек, бу онг ўзидан фикрлар тарқатиб, атмосферадаги информация қобиғини бойитиш билан бирга ҳис-туйғулар мажмуаси сифатида йиғилади.

Онгнинг инсон танасини тарк этишини ўлим деб тушунамиз. Ўлим тафсилотлари кузатилганда, жамланиш юз беради, яъни у танани тарк этишга шайланади. Ўлим олдидан юз берадиган фикрдаги тиниқликнинг, бир лаҳзалик ёрқинликнинг сабаби ҳам балки шудир. Бу инсон онги асосидаги моддий майдон йўқ бўлиб кетмайди, балки у индивидуал моддий майдон сифатида мавжуд бўлади. Демак, бу майдон инсон онги асосида вужудга келар экан, у ўз кучига ва таъсирига эга. Маълум бўлишича, руҳлар бир неча кун ўтгандан кейин ҳам қайтиб келиши мумкин экан...

Соҳиб САЛИМОВ.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● ХОРАЗМ

ТОМОРҚА — МАДАД МАНБАИ

● ШУ йилнинг баҳорида Хоразм вилояти ҳокими қарори билан Амударё соҳилларидан минг гектар ер ажратилиб, Урганч шаҳрининг кам таъминланган ва серфарзанд етти минг оиласига томорқа сифатида тақсимлаб берилган эди.

Томорқа эгалари ўзларига биркитиб берилган пайкалларда сабзавот, қовун-тарвуз, ошқовоқ, ёзги буғдой, шоли, кунгабоқар сингари экинлардан мўл ҳосил етиштиришди. Томорқадан ундирилган ноз-неъматлар бозор иқтисодиёти шароитига мослашишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

—Томорқа эгаларига қулай шарт-шароитлар яратиляпти, — дейди Урганч шаҳар ҳокими Рустам Султонов. — Чунончи, шаҳар коммунал хўжалиги ҳузурида махсус корхона ташкил этилди. Унинг ёрдамида уч километрлик асфальт йўл, иккита бекат созлаб берилди. Дарё ва «Октябрарна» каналининг еттита жойига сув насослари ўрнатилди. Бу ерда, шунингдек, бел, кетмон, ўроқ, курак, паншаха сингари турли иш анжомлари, ҳар хил коржомалар билан савдо қиладиган махсус хўжалик моллари дўкони ҳам ишга туширилди. Ички имкониятларни ишга солиб, яна бир неча минг гектар ер томорқага ажратиб берилса, айни муддао бўларди. Боиси томорқада етиштирилган ноз-неъматлар оилада рўзғорга мадад бўляпти.

Эркин МАДРАҲИМОВ.

● ҚАШҚАДАРЁ

ЗИЁЛИЛАР МУЛОҲАЗАСИ

● ҚАРШИ шаҳрида бўлиб ўтган вилоят зиёлилари вакиллари кенгашида республика Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида илгари сурилган фикрлар ва зиёлилар олдида турган вазифалар» ҳақида мулоҳаза юритилди.

Бу тўғрида Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, республика зиёлилари илмий-маърифий уюшмаси раиси Эркин Юсупов маъруза қилди. Кенгаш қатнашчилари «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида кўтарилган ғояларни қизғин қўллаб-қувватладилар. Кенгашда ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов нутқ сўзлади.

Мусо КАРОМОВ.

ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДХОНАСИДА

Азиз ўқувчим!

Сизларга тақдим этмоқда бўлганим шеърлардан, баъзи ёзувлардан намуналар сўнгги йилларда турли муносабат билан кўнгилда йиғилган, асосан ўқилмай, айтилмай дафтарда қолган ўйлар, сатрлардир. Улар омма эътиборига биринчи бор ҳавола этилаётир.

Инсон ҳаёти бир манзилдан иккинчи манзилга қараб юриладиган йўлга ўхшайди. Бу йўлнинг текис, равонлиги ҳам, паст-баландлиги кўп бўлар экан. Биз бу замон бамисоли тоғ ошаётган одамлармиз. Тоғ йўли мардлик, жасоратни ҳам, бағоят ҳушёрликни ҳам талаб этади.

Шоирнинг қадами унинг сўзидир. Мен бу ёзувларимни кўп мулоҳазалар билан сизларга тақдим этарканман, улар Сизнинг дилингизга нур олиб кирса дейман, бу қийин йўлларда Сизни умидбахш туйғуларга йўлдош этса, деб ният қиламан.

Бу кичик туркумнинг дасталанишида «Ўзбекистон овози» газети муҳаррири ва ходимларининг хизматини алоҳида таъкидлашим керак. Сиз ўқигувчи шеърлар ва хотираларнинг асосий қисми уларнинг қистови ва «зулми» билан қоғозга тушди.

Мустақил Ватанимга ва ҳар бир ватандошимга иқбол тилар эканман, хаёлимга беихтиёр ўзимга айрича қадрдон мисралар келади:

Мен буюк юрт ўғлидурман,
Мен башар фарзандиман,
Лекин аввал сенга бўлсам
Содиқ ўғлон, ўзбегим.

Менга Пушкин бир жаҳону
Менга Байрон бир жаҳон,
Лек Навоийдек бобом бор.
Кўксим осмон, ўзбегим!

ТУРКИСТОН БИР, ВАТАН БИР

Қадим она бу тупроқ
Туркистон бир, ватан бир.
Бизга жондан азизроқ
Туркистон бир, ватан бир.

Ал Беруний ёди бор,
Яссавий фарёди бор,
Қошғарий ижоди бор,
Туркистон бир, ватан бир.

Тангритоғ — шамоили,
Жайҳун, Талас ва Или —
Боболарим манзили —
Туркистон бир, ватан бир.

Фаробий чолғусида,
Навоий орзусида,
Шоҳ Бобур қайғусида
Туркистон бир, ватан бир.

Темур бобом туғида,
Шермуҳаммад руҳида,
Истиқлол шукуҳида
Туркистон бир, ватан бир.

Сен тожиксан, у қозоқ,
Мен ўзбекман, ўз аймоқ.
Ўртада танҳо бироқ
Туркистон бир, ватан бир.

Ўзга-ўзга шахсимиз,
Бўлсин, майли, баҳсимиз,
Ёмонмизми-яхшимиз,
Туркистон бир, ватан бир.

Асли сен киму мен ким,
Илдизингдир томирим,
Жерим, заминим, ерим —
Туркистон бир, ватан бир.

Мустафо Чўқай жони,
Чўлпоннинг шаҳид қони,
Қодирийнинг армони —
Туркистон бир, ватан бир.

Ёвлар пора қилган тан,
Хомталаш бўлган ватан.
Оҳ, бўлурми қайтадан
Туркистон бир, ватан бир.

Она ерга қулоқ тут,
Нидолар бўлмас унут.
Руҳлар айтар: она юрт
Туркистон бир, ватан бир.

ҚИТЪА

Истасанг тоза кўнгилга қўнмасин зарра ғубор,
Пок сўзу пок иш ва пок дил,
пок хаёл бўлмоқ керак.
Жисму жонимга десанг, бегона бўлсин хасталик,
Ишқ завқу дарди бирлан хастаҳол бўлмоқ керак.
Қалбга истарсан шифо гар, бўл ёмон
сўздан йироқ,
Қорвалол ичмоқ керакмас, кар ва лол
бўлмоқ керак.

● ЁН ДАФТАРДАН, ҚАЙДЛАР

БУЮК МАЖБУРИЯТ

Куни кеча Киев шаҳрида Ўзбекистон ва Украина жумҳуриятлари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик шартномаси имзоланди. Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясини катта эҳтиром билан қаршилаган мезбонлар музокара ва расмий тантаналардан сўнг бизга пойтахтнинг тарихий жойларини кўрсатдилар.

Ҳамма ерда ҳозиру нозир бўлган мухбирлар Киев—Печора ёдгорликларида Ислом Каримовни саволга тутдилар. Ушбу ёдгорликлардан олган таассуротлари ҳақида сўрадилар. Президент Ислом Каримов микрофонга шундай деди: Украина буюк тарихга, кўҳна тарихий маданиятга эга бўлган мамлакатдир. Унинг келажаги ҳам буюк. Украина Ғарбда улуғ давлатлар қаторида бўлажак. Зотан у шундай бўлишга мажбур.

Бу сўзлардан мухбир тўлқинланиб кетди, ҳаяжонини яширолмади. Ватанига шундай юксак баҳо берган зот шу лаҳзада унинг учун ғоят азиз ва мукаррам эди. Ташаккурлар айтиб, бошқа савол бермади.

Менинг кўнглимда ҳам ўша дақиқада ғурур ва умид туйғулари қўзғолди. Негаки, Президентнинг сўзлари ёлғиз Украина ҳақида эмас, балки, Ўзбекистон ҳақида ҳам айтилган эди. Мен ичимда бу умидбахш сўзларни ўзбекчага таржима қилар эдим: Ўзбекистон буюк тарихга, кўҳна тарихий маданиятга эга бўлган мамлакатдир. Унинг келажаги ҳам буюк. Ўзбекистон Шарқда улуғ давлатлар қаторида бўлажак. Зотан, у шундай бўлишга мажбур.

БОЙЛИК ВА МАЪРИФАТ

Бой бой бўлса, бойлигини нариги дунёга орқалаб кетмайди. Бойнинг ҳам, камбағалнинг ҳам қорни бир коса ош билан тўяди.

Керенский замонида тошкентлик бойвачча билан марғилонлик бойвачча гап талашиб қолишибди-ю, тошкентлик бойвачча ўзининг қудратини кўрсатиш учун пул ёқиб самовар қайнатибди. Марғилонлик бойвачча ҳам бўш келмабди. У пулнинг оловига бир улфат учун ош пиширган экан.

Бугун ҳам бойваччалар орасида топганини қиморга, бемаъни ишратга, манманлик баҳсига, тўйларда дасталаб пул сочишга сарф қилаётганлар йўқ эмас.

Лекин ўзбекнинг ҳақиқий маърифатли бойлари бўлган. Улар масжид ва кўприклар қурганлар, камбағалларни уйлик-жойлик қилганлар, миллат фарзандларини хориж элларга юбориб ўқитганлар. Афсуски, Совет замонида ҳўлу-қуруқ баробар ёниб маърифатли бойлар ҳам йўқотилганлар. Йўқ, улар биринчи қаторда қирилганлар. Негаки жоҳил бойларга нисбатан давлатманд алломалар у тузумга хавфлироқ бўлганлар.

Биз бугун ўз ватанимизнинг эгаларимиз. Истиқлол ватани эртага қандай бўлади — бугун унинг тамал тоши қўйиладиган замон. Иншооллоҳ, у йўқсиллар юрти эмас, тўқ, бадавлат, маданиятли мамлакат бўлади. Унинг зангин одамлари миллат учун, ватан учун қайғурадиган, қалби мунаввар, ҳимматли ва мурувватли одамлар бўладилар.

Бойлик одамни бузади, дейдилар. Мен бунга ишонмайман. Одамни бойлик эмас, ҳирс, очкўзлик, маърифатсизлик бузади. Қалби бой одам бойиган сари олижаноброқ бўлади.

ВАТАН ҚАДРИ

Ватанда яшаб биз ўзимиз кўпинча унинг қадрини ҳис этмадик. Негаки, биз ўз ватанимизнинг чинакам эгаси бўлолмадик. Руҳимизга бегона бўлган тузум ва дунёқараш асири бўлдик, ўзга тил ва ўзга урф-одатлар тазйиқида ҳаёт кечирдик.

Истиқлол бизга ватан берди. Энди меники деб айтгулик ўзбек юртимиз, мустақил давлатимиз, давлат тили бўлган она тилимиз бор. Оламга очилган ўз дарбозамиз бор.

Ана шу табаррук дарбозадан ташқарига чиққан ҳар бир ўзбек — шу юрт боласи, унинг бир заррасидир.

Ўзимиз ўз ичимизда бирбиримизга ҳар қанча яхшиёмон гап айтсак кўтарамиз. Лекин ҳорижда ўзбеклар ҳақида фақат яхши сўзлар айтилишини истар эдим.

Биз бой эмасмиз, аммо ҳимматларга бой халқ фарзандларимиз.

Биз камёблик ҳоким бўлган юртда ўсдик, лекин ҳамиша назаримиз тўқ бўлган.

Биз ўз қадримизни ва дўстлар қадрини англаган кишилармиз. Бизни эҳтиром билан кутганларга миннатдорлик билан салом йўллаб қўйиш, улар бизнинг юртга келганларида жавобан эҳтиром кўрсатиш асл қадриятларимиз ҳисобланади. Биз тушунамизки, бу ишда бепарволик кечирилмайди.

Биз ўз шаънимиз, ғуруримиз, қадриятимизни баланд тутамиз. Чунки, ҳар биримизнинг қадримиз жам бўлиб ватан қадрини белгилайди.

ҲОЖИ ОТА МАРҒИЛОНИЙ СЎЗИ

Олтмиш йиллик умрим ўтди хорижда,
Юздан ошган Ҳожи отанг бўламан.
Ўлолмадим Нью-Йорк ё Парижда,
Мен Ватандан айру қандоқ ўламан?

Қандоқ ўлай Ватанимни кўрмай ҳур,
Илҳақлиқдан зўр оламда ҳеч дард йўқ.
Мана етдим муродимга, минг шукур,
Энди, болам, ўладиган номард йўқ.

БЕКЛАР НАСЛИ

Ўзбек бек зотлари салобат билан
Бир-бир кўз олдимдан ўтдилар кеча.
Темурбек, Улуғбек, Алишербекдан
Токи қадрдоним Бек Ойбеккача.

Ўзбек! Чин ўз бексан, ўзингга бексан,
Исмингга нақадар яраша бек.
Не боис сен ҳамон «вич»ларга берксан,
Узилган занжирни судраган филдек.

МЕҲМОН ВА МЕЗБОН

(Ўзбекчилик лутфларидан)

— Мени меҳмонга айтсангиз,
Туртмасангиз борай,
Юмшоқ ўрнимдан бўйрага
Сурмасангиз борай.
Қовоғингиз осиб, лабни
Бурмасангиз борай.
Томоғимга ханжар тираб
Турмасангиз борай.
Менинг учун темир қафас
Қурмасангиз борай,
Ўлар ҳолга етгунимча
Урмасангиз борай.
—Сиз мен учун азиз меҳмон,
Туртарканман нега?
Қовоғимни осиб, лабим
Бурарканман нега?
Юмшоқ жойдан қоқ бўйрага
Сурарканман нега?
Сизнинг учун темир қафас
Қурарканман нега?
Ким ўз меҳмонин урипти?
Урарканман нега?
— Борсам, юқори чиқинг, деб,
Мени туртасиз-ку,
Хоҳлаган жойимни бермай
Тўрга сурасиз-ку,
Ошингизни еб қўймасам
Лабни бурасиз-ку,
Май ичмасам ханжар тираб
Зўрлаб турасиз-ку;
Кетай десам қўймай темир
Қафас қурасиз-ку,
Нодонга ҳамсуҳбат қилиб
Менн урасиз-ку.

ҚИСМАТ

Ширин бўлсанг, ялаб адо
қилурлар,
Аччиқ бўлсанг талаб адо
қилурлар.
Сен юракнинг оташини
кўрсатма,
Ўз ўтингга қалаб адо қилурлар.

БИР ЭСЛАШ

Бозиллаган иссиқ танчада
Сирлашарди оёқларимиз.
Шу панжалар етган висолга
Етолмасди дудоқларимиз...

ЙЎҚОЛГАН ГАВҲАР

Инсон босиб ўтган йўл беиз қолмайди. Жамият йўллари ҳам шундай. Ҳеч бир умр қайта яшолмас. Ҳеч бир йўл қайта босилмас. Ўтган кундан рози бўлмаслик мумкин, лекин уни қайтариб олиш, йўқ деб ҳисоблаш иложсиздир.

Биз етмиш тўрт йиллик ҳаётимизни ҳарқанча қораламайлик, у йилларда босган изларимиз борки, уларни ўчиролмаймиз. У ёмон йиллардан ёдгор бўлган уйлар, кўприклар, шеърлар бор, оталарнинг хотиралари ва тажрибалари бор. Улардан юз ўгиролмаймиз.

Биз ёмонлаган социализмдан капитал олами кўп тажрибаларни қабул қилиб олди. Ижтимоий суғурта, бепул маориф ва тиббиёт, тақовут ва ногиронлик нафақалари, даромадларни солиқ йўли билан тартибга солиш, қишлоққа хазинадан ёрдам бериш — буларнинг барчаси ижтимоий тадбирлар, яъни социализм белгиларидир. Америка ва Оврупонинг мутараққий мамлакатларида булар аллақачон жорий этилган.

Бизларда бир одат бор. Ҳар нарсани мақтасак етти қават осмонга кўтариб мақтаймиз, урсак қора ернинг қаърига киргизамиз. Социализмни таг-туги билан қоралаш керак эмас. Қатағонни, хўжасизликни, иқтисодий ва ижтимоий эрксизликни, ҳуқуқсизликни қоралаш керак.

Биз оғир машаққатли йўлда топган гавҳарларимизни сочиб юбормоқдамиз. Шундай гавҳарлардан бири — халқлар дўстлиги. Бизнинг яхши борди-келдиларимиз, санъат ва адабиёт кунларимиз, декадаларимиз бўларди. Тожик, қирғиз, ўзбек бир дастурхон атрофида ширин-шакар суҳбатлар қилардик.

Босиб ўтган йўлни ялпи қоралаш натижасида бу эзгу удумларни ҳам ёмон отлиққа чиқардилар. Уларни «дастурхонлар дўстлиги», «карнай-сурнайлар биродарлиги» деб мазах қилдилар. Ҳатто бир газета бундай анжуманларга сарф қилинган давлат пулларини ҳисоблаб, у эзгу ишларни юрофгарчиликка йўйди. Энди маълум бўлдики, бизлар мис чақани аяб олтинни йўқотибмиз.

Дўстлик анжуманлари ҳақида гапирганда Шароф Рашидовни эсламай илож йўқ.

Эсимдан чиқмайди. Етмишинчи йилларнинг боши эди. Куз ёмғирли келиб, пахта терими кечиккан. Айниқса, шимолий районларда аҳвол қийин эди. Ўша кунларда чекка-чеккадан «қорақалпоқлар ўзбеклардан норози эмиш, улар Русияга ёки Қозоғистонга қўшилмоқчи эмиш»» деган миш-мишлар оралаб юрарди.

Бир кун эрталаб бизнинг уйга ЦК дан қўнғироқ бўлди. Шу кун кундуз соат учга ҳукумат аэропортига келиш кераклиги айтилди. Биз бир гуруҳ ёзувчилар Шароф Рашидовнинг самолётида Нукусга учиб кетдик.

Ҳукумат меҳмонхонасида бизни Шароф Рашидов билан Қаллибек Камолов қорақалпоқ ёзувчилари даврасида кутиб олишди. Дастурхон атрофида узоқ, самимий суҳбат бўлди. Шароф ака гап орасида ўзбек ёзувчиларининг Қорақалпоғистонга кам келишларини, бу ердаги халқнинг қийин шароитдаги фидокорлик меҳнатини кам ёзаётганларини танқид қилдилар. Қорақалпоқ ёзувчиларининг китобларини кам чиқараётган нашриётлар адресига ҳам нордон гаплар айтилди. Биз ўша куни Т. Қайипбергеновга Ўзбекистон Давлат мукофоти берилганини Ш. Рашидовдан эшитдик.

Автоном республикани кезиб, кўриб Тошкентга қайтгач, самолётдан тўғри телестудияга келдик ва қорақалпоқ юртидан олган таассуротларимизни халққа сўзладик.

Бугун ўйласам, биз ўша кунлари Нукусга бориб, ёзувчи дўстимизни табриклаб, қадаҳлар кўтариб, ўзимиз яйраш баробарида халқлар дўстлигига хизмат қилибмиз. Ҳар нарсанинг қадри йўқолганда билинади. Ўша анъаналар давом этганда, балки, бугун Кавказ тинч бўлармиди, Тожикистонда қон тўкилмасмиди, деб армон қиламан.

Биз гавҳаримизни йўқотиб қўйдикми?

КУНЛАРДАН БИР КУН

Миртемир домланинг қулоқлари оғир эди.

Кунлардан бир кун Ёзувчилар уюшмасида бўлган шеъриятнинг анъанавий йиллик сарҳисобида раҳматли Юсуф Шомансур танқидчи Салоҳиддин Мамажоновни «савалаб» қолди. Ўша кунлари С. Мамажонов Юсуфнинг «Қора марварид» романини матбуотда қаттиқ танқид қилган эди.

— Танқидчи асарга объектив ёндашган эмас, — деди Ю. Шомансур хуноб бўлиб, — менда у одамнинг шахсий ўчи-ғарази бор. Муаллифдан қасос олиш учун асарни танқид қилишни нима деб аташ мумкин. Мен танқидчи С. Мамажоновни биллиардда ютиб қўйган эдим. У мени асаримни танқид қилиб аламини олмоқчи бўлибди...

Юсуфнинг куюниб айтган бу сўзлари мажлис аҳлининг қаҳ-қаҳасига сабаб бўлди. Бу орада гапни эшитолмай қолган Миртемир домла кулгунинг сабабини ёндагилардан сўраб-суриштиргунча Ю. Шомансур аллақачон сўзини тугатиб жойига ўтирган, раҳматли академигимиз Воҳид Зоҳидов минбарда шеъриятнинг инсоният олдидаги олижаноб вазифалари ҳақида баланд-парвоз нутқ сўзлаб турар эди. Бир маҳал орқа қаторда Миртемир домланинг қаҳ-қаҳ уриб кулгани ҳаммани ҳайрон қилиб қўйди. Домла тиззаларини шапатилаб: «Оббо жиннивоей — топган гапини қаранг!», деб хоҳолар эдилар. Минбарда Воҳид Зоҳидов лол бўлиб қолган. Бир неча лаҳза йиғинда саросималик бўлди. Ниҳоят, Носир Фозил домланинг ярим соат аввалги гапга кулаётганини залга тушунтиргач, шоирлар завқ билан яна бир қаҳ-қаҳа урдилар.

ТАРБИЯ

Нью-Йоркнинг қоқ марказида Бродвей кўчасида ватандошимиз Абдурауф Мақсудийнинг тижорат ширкати жойлашган. Бир кун Абдурауф ака билан у кишининг иккинчи қаватдаги хизмат хонасида суҳбатлашиб ўтирар эдик. Пастда дўкон супуриб юрган ўн олти-ўн етти ёшлар чамасидаги занжи бола чой кўтариб кириб келди. Абдурауф ака уни бир дам гапга тутиб, сўз ўртасида менга имо билан «бу болага эътибор бериг» деган ишорани қилдилар. Бола чиқиб кетгач, у кишининг ҳикоясидан билдимки, бу занжи ўспирин Американинг энг бой миллиардерлари оиласидан, отаси Нью-Йоркда ўнта йирик давлатманднинг бири экан. Лекин фарзандини эркалатиб қўймабди. Кундузи ширкатда ишлаб пул топиб, кечқурун ўқир экан.

Америкада бола тарбияси қаттиқ талабчанлик асосига қурилган. Уғил болалар ўн саккиз ёшга тўлгач ота қарамоғида бўлиши бу юртда уят ҳисобланади. Ёшларнинг ишлаб, пул топиб уйланиши, оила боқишга тайёр бўлиб, сўнг турмуш қуриши одат саналади. Абдурауф аканинг фарзандлари ҳам америкача қаттиқ тарбияни кўрган, болаликдан меҳнат қилиб ўсган болалардир. Мана, катта ўғил Фариджон ўттизга етмаган ёшида улкан бир ширкатнинг бошлиғи, етти иқлим ҳавосини олган, ақлда, илмда, одобу ахлоқда мукаммал йигит. Замонамиз Отабеклари асли шулар.

Энди бизнинг мустақил Узбекистонимиз ҳам жаҳонинг катта йўлига чиқмоқда. Юртни юрт қиладиган аслида унинг қарчиғай ўғлонларидир. Очиғини айтсам, биз болаларимизни бўш тарбиялаганмиз. Биз кўрган қийинчиликларни улар кўрмасин деб ҳамма нарсани муҳайё қилишга уринганмиз. Тўйларида неча бош-оёқ саруполар қилиб, йиллаб оёқ узатиб ётса бўладиган шароит яратиб қўйганмиз.

Бола азиз, одоби ундан азиз, дейди халқимиз. Энди бизнинг замонда одобли бўлишнинг ўзи жуда кам. Акваниумда ўсган балиқлар очиқ денгизга ташланса, улар бошқа балиқларга ем бўлади.

Мусичалар замони ўтди, бургутлар, қарчиғайлар керак Ватанга.

ШЕЪР БИТМАК АЗОБИ...

(ТУРКИЯНИНГ БУРСА ШАҲРИДА ЎТГАН ТУРКИЙ ШОИРЛАР АНЖУМАНИДА АЙТИЛГАН СЎЗ)

Фузулийнинг шундай сатрлари бор:
Ул сабабдин форси лафзинда чўҳдур назмким,
Назми нозик турк лафзинда экан душвор ўлур.
Банда тавфиқ ўлса ул душворн осон айларам,
Навбаҳор ўлгач тикандин барги гул изҳор ўлур.

Биз йигирма бир мамлакатдан йиғилган туркий шоирлармиз. Болқондан, Кавказдан, Кипрдан, Русиядан, кўҳна Туркистон тупроғидан келганмиз. Қаерда бўлмайлик, Фузулий айтган ўша туркийда шеър битмак заҳматини чеккан, ўша тикан азобини ҳис қилган одамлармиз. Бизнинг буюк устозларимиз туркий тилни шеърият юксакликларига кўтардилар. Биз ҳамиша улар олдидаги масъулиятни ҳис этиб яшадик, шеърият қадрини баланд тутишга интилдик.

Бу ерда собиқ Совет Иттифоқи таркибида бўлган, ҳозирда ўз мустақилликларини қўлга киритган ёки бу йўлда курашаётган туркий халқларнинг вакиллари бор. Мен шулар қаторидаман ва ўйлайманки, менинг кўнглимдаги ҳис-туйғулар бу дўстларимнинг дилларида ҳам бор.

Биз учун шеър битмак лаззат бўлмади, балки, юракдан томчи-томчи қонлар тўкмак бўлди. Биз эрксизлик тиканидан қонатган юрагимизни гулга ўраб туриб элга намоён қилдик. Негаки, бизга тилинган қалб недир, ҳатто кўз ёшимизни кўрсатиш қатағон эди. Зукко шеърхонлар бизнинг шеърларимиз қатларини очиб аламли юрагимизни топдилар.

Бу дунёга шоир бўлиб келибсан, тақдир сенга бу улуғ бахт ва улуғ бебахтликни раво кўрибди, ўз ватанингга эга бўлгин экан, ўз сўзингга, ўз қувончинг ва аламингга эга бўлгин экан. Оламда ҳеч шоирга дард чекканда оҳ деёлмаслик азобини кўрсатмасин.

Бугун мен истиқлолга етган ватанимнинг ёш шоирига ҳавас билан қарайман. Ишонаманки, у оғзи боғланган, дили қон шоир бўлмайди. Қувончини ҳам, дард-аламини ҳам баралла айта олади. У дарбозалари оламга кенг очилган юртнинг фарзанди бўлади. Олам садоларини эркин-эмин тинглайди ва олам унинг юрак садосини бетўсиқ эшитади.

Бу қутлуғ анжуман, узоқ ва оғир айрилиқлар сўнггида биз етган анжуман ҳаммамизга муборак бўлсин. Бундай йиғинга Тошкент эшиклари ҳам кенг очиқ. Марҳабо, азизларим, сизларни Ўзбекистонга таклиф қиламан.

ГУЛМИДИ, РАЙҲОНМИДИ, ЖАМБУЛ...

Гулзор ичида гулмиди, райҳонмиди, жамбул,
Ё жамбулу райҳону гул узгувчи санам бўл.

Валлоҳ, бу санам, одам эмас, неча сўз айтсам
Одам дея бир боқмади, э воҳ, не одам бул?

Чақмоқ каби бир лаҳза насиб бўлди висоли,
Энди менга ёр турк гўзали ҳажрида ғам бул.

Излаб неча кун шаҳрида овора бўлибман,
Истанбул эмас, ошиқ учун жонга ситам бул.

Эллнкда ёниб севгини назм этса не айбким,
Эркин юраги — ишқ ўтида куйгучи шам бул.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Узбекистон Республикасининг 1992 йил 12 фоизли ички ютуқли заёми 1992 йил 30 сентябрда Урганч шаҳрида ўтказилган 2-ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ютуқлар заёмнинг тўрт разрядидаги серия ва номерлари қуйидагича бўлган облигацияларга чиқди:

Серияси	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	Серияси	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
00028	1—100	5000	23329	1—100	5000
00165	044*)	25000	23426	1—100	5000
00192	1—100	5000	24301	1—100	5000
00741	018*)	25000	24449	074*)	50000
00743	1—100	5000	24546	1—100	5000
00773	1—100	5000	24707	088*)	25000
00838	1—100	5000	24812	1—100	10000
00865	068*)	25000	24877	032*)	50000
01233	1—100	5000	25076	1—100	5000
02110	075*)	25000	25199	1—100	5000
02227	077*)	50000	25554	1—100	5000
02462	1—100	5000	26136	1—100	5000
02633	1—100	5000	26539	1—100	2000
02641	035*)	50000	27119	042*)	25000
02946	1—100	5000	27477	086*)	50000
03306	1—100	5000	27583	1—100	5000
03700	1—100	2000	27592	030*)	50000
03792	1—100	5000	28297	1—100	5000
04176	039*)	25000	28393	1—100	10000
04421	1—100	10000	28510	043*)	25000
04744	1—100	5000	28902	1—100	5000
04788	1—100	5000	29255	1—100	5000
05375	1—100	5000	29569	090*)	25000
06144	1—100	5000	29729	090*)	100000
06570	030*)	25000	29856	1—100	5000
06713	1—100	5000	29865	005*)	50000
06856	039*)	25000	30140	053*)	25000
07013	1—100	2000	30601	1—100	5000
07016	065*)	25000	30776	1—100	5000
07049	1—100	5000	30916	1—100	5000
07089	039*)	50000	31026	1—100	2000
07145	086*)	25000	31482	1—100	2000
07982	1—100	10000	31840	084*)	25000
08636	1—100	2000	32641	1—100	5000
09498	1—100	5000	32851	1—100	5000
09539	1—100	5000	33121	015*)	25000
09918	1—100	2000	33320	1—100	5000
10240	004*)	100000	33421	031*)	25000
10308	1—100	5000	33913	1—100	2000
10341	084*)	25000	33987	053*)	25000
10371	1—100	5000	34450	094*)	25000
10450	1—100	5000	34647	1—100	10000
10558	008*)	25000	35045	1—100	5000
10597	025*)	50000	35095	1—100	5000
10954	1—100	5000	35132	075*)	25000
11417	1—100	2000	35209	069*)	50000
11787	040*)	100000	35717	094*)	50000
11882	1—100	5000	35899	095*)	50000
11937	1—100	2000	35978	026*)	50000
12450	1—100	5000	36093	085*)	50000
12509	1—100	2000	36159	095*)	25000
12568	1—100	2000	36615	1—100	5000
13504	094*)	50000	36716	1—100	5000
13882	1—100	5000	36783	042*)	25000
14027	1—100	10000	36802	1—100	2000
14150	1—100	5000	37353	1—100	5000
14172	1—100	5000	37658	1—100	5000
14301	012*)	50000	37729	1—100	10000
14943	1—100	2000	38236	059*)	50000
15033	061*)	25000	38266	1—100	10000
15185	1—100	5000	38560	016*)	50000
15196	1—100	5000	38777	080*)	25000
15328	1—100	5000	38919	1—100	5000
15399	029*)	25000	39167	009*)	25000
15639	1—100	5000	40092	077*)	25000
15652	058*)	25000	40459	1—100	2000
16085	039*)	25000	40616	1—100	5000
16243	1—100	2000	40705	015*)	25000
16675	055*)	50000	40737	039*)	100000
17246	1—100	5000	41980	059*)	50000
17320	1—100	5000	42262	030*)	25000
17359	095*)	25000	42681	085*)	25000
17519	100*)	50000	42682	099*)	50000
18122	1—100	5000	43183	1—100	5000
18278	044*)	25000	43207	1—100	5000
18638	099*)	25000	43332	094*)	25000
18893	1—100	2000	44116	1—100	5000
19034	1—100	5000	44128	1—100	5000
19389	1—100	5000	44234	1—100	5000
19458	095*)	25000	44602	1—100	2000
19479	071*)	25000	45277	1—100	5000
19645	047*)	25000	45408	016*)	25000
20237	094*)	25000	45760	1—100	10000
20265	1—100	5000	46113	098*)	50000
20273	011*)	25000	46625	1—100	5000
20713	070*)	25000	47079	1—100	2000
21181	1—100	10000	47257	069*)	25000
21237	002*)	250000	47876	1—100	5000
21239	1—100	2000	48020	1—100	5000
21256	1—100	5000	48384	029*)	25000
21491	1—100	5000	48462	1—100	5000
21972	1—100	5000	48506	090*)	25000
22053	015*)	25000	48626	1—100	5000
22358	1—100	5000	48647	085*)	50000
22426	1—100	5000	48793	1—100	5000
22574	1—100	5000	48826	062*)	25000
22666	1—100	5000	49132	1—100	5000
22824	031*)	50000	49491	1—100	5000
23148	1—100	5000	49575	074*)	100000
23315	1—100	2000	49725	1—100	5000

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 99 номерига 2000 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда 500 сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

1000 сўмлик облигацияларга бир хил миқдорда 10000, 5000, 2000 сўмдан ютуқ чиққан тақдирда ютуқ чиққан сериядаги облигацияларнинг барча номерларига айнан 20000, 10000, 4000 сўм ютуқ тўланади.

1000 сўмлик облигация номерларидан бирига 25000, 50000, 100000, 250000 сўм миқдорида ютуқ чиққанда унинг иккинчи номерига 2000 сўм чиқади ва облигация бўйича 27000, 52000, 102000, 252000 сўм тўланади. 250 сўм қийматидаги облигацияларга 500 сўмлик облигацияга чиққан ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ пулига ютуқ чиққан облигациянинг бевосита қиймати ҳам киради.

Ушбу жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкининг муассасалари томонидан яна шу ҳужжат асосида рўзноманинг кейинги сони чиққан кундан бошлаб ютуқларни белгиланган тартибда тўлай бошлайди.

Ютуқлар тиражини ўтказиш комиссиясининг раиси Урганч шаҳар Ҳокими

Р. С. СУЛТОНОВ.

Тираж комиссиясининг масъул котиби — Ўзбекистон Жамғарма банки бошқарувининг кредитлар бошқармаси бошлиғи

А. М. ҲАЙДАРОВ.

• ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ XI ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

Телефонда—Туркманистон Республикаси Кинематографчилар уюшмаси бошқарувининг раиси Хўжақули НОРЛИЕВ.

ҚУТЛУҒ КАЛОМ

● Бу кинорежиссёрни бизнинг республикамизда ҳам яхши билишади. Унинг бевосита раҳбарлигида экранлаштирилган «Келинчак», «Аёл от минганда», «Жамол дарахти» бадиий фильмлари Туркманистон миллий кинематографиясининг энг яхши намуналаридан саналиб, Ўзбекистон кинотеатрларида ҳам мунтазам кўрсатиб келинади. Ана шундай юксак эътирофга сазовор бўлган асарлари туфайли у «Туркманистон халқ артисти» деган шарафли унвонга лойиқ кўрилган. Унинг кўксини бугунги кунда Халқаро мукофот деб эълон қилинган Маҳтумқули мукофоти нишони безаб турибди.

Мухбиримиз Юсуф Бердиев таниқли киноарбоб билан телефон орқали боғланиб, унинг кинофестиваль, шунингдек, Туркманистон кинематографчиларининг навбатдаги Халқаро анжумандаги иштироки ҳақидаги фикрларини ёзиб олди.

— Собиқ Иттифоқ тарқалиб, республикалар мустақил яшай бошлаганидан ўзимизда йўқ хурсанд бўлсакда, барибир тез-тез йиғилишиб, ижодий муаммоларни ўзаро муҳокама қилиб туришга ўрганиб қолганимиз учун энди қандай бўлар экан, бошқа-бошқа мамлакатларда ижод қилсак-да дийдорлашиб туришимиз керак-ку, деб ўйланиб юргандик, — дейди Х. Норлиев. — Тошкент кинофестивалига, унинг ташкилотчиларига, Ўзбекистон республикаси раҳбариятига минг раҳмат. Биз шундай мураккаб, алғов-далғовли, нарх-наво осмон баробар бўлган бир даврда яна йиғилиб, фикрлашиб олиш имкониятига эга бўляпмиз. Мен республикамиз кинематографчилари номидан бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни истайман. Биласизми, бундай қийматчилик даврида бир йўла дунёнинг уч қитъаси мамлакатлари ижодкорларини таклиф қилиб, Халқаро анжуман ўтказиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Шундай эзгу ишнинг уддасидан чиқаётган ўзбекистонлик дўстларимизга ҳавас қилсак, таъзим изҳор этсак арзийди.

Бошқа республикалар киножамоатчилиги каби биз ҳам Тошкент кинофестивалидан миннатдормиз. Унинг шарофати туфайли кўпгина фильмларимиз жаҳон экранларига йўл олди. Киностудияларимизда суратга олинган картиналар ҳақида дунё кинематографиясининг машҳур намояндалари фикр-мулоҳазаларини эшитиб келяпмиз. Айни вақтда киночиларимиз ҳамкорликда асарлар яратиш тўғрисида хорижлик ҳамкасблари билан Ўзбекистон заминида келишиб олмоқдалар. Бундай имкониятлардан фахрланмай, уларни яратиб бераётган дўстларимизга ташаккур айтмай бўладими?!

Туркманистонлик кинематографчилар ҳамма вақт энг яхши фильмларини Тошкент анжуманига олиб келишади. Ўн биринчи кинокўрикка тавсия этган асаримиз ҳам сўнгги йилларда яратилган мароқли картиналардан. «Кемине» деб номланган бадиий фильмимиз туркман адабиётининг мумтоз намояндаси ҳаёти, ижоди ва курраши ҳақида ҳикоя қилади.

Кемине бадиий маданиятимиз тарихида буюк Маҳтумқулидан кейин турадиган улуғ ижодкор. Характерли изланишлари билан эл эътиборини қозонаётган кинорежиссёримиз Ораз Гуммадов ғоятда масъулиятли ишга қўл урар экан, пухта тайёргарлик кўрди. Яъни Кемине ташвишлари, курашлари мисолида бугунги куннинг долзарб муаммоларини, инсоний сифатларни, қадимий, аммо ҳамиша навқирон анъаналарни кўрсатиб бериш учун интилди. Изчил изланиш ўз самарасини берди. Халқимиз режиссёр Ораз Гуммадовнинг иккинчи мустақил бадиий фильмини ҳам катта қизиқиш билан кутиб олди. Картина айни кунларда кинотеатрларимизда ката муваффақият билан намойиш этилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, фильмдаги бош ролни опера театрининг хонандаси Отагелди Қорёғдиев мароқли талқин қилган. Буюк аждодимиз Кемине ҳақидаги фильмимиз чет эллик дўстларимизга ҳам, ўзбекистонлик қадрдонларимизга ҳам маъқул бўлади, деб умид қиламиз.

Кинофестивалда ҳужжатли экран санъатимиз намояндалари ҳам ўз асарларини намойиш этадилар.

Мен имкониятдан фойдаланиб, қарийб чорак асрдан бери шон-шараф билан ўтиб келаётган, уч қитъа, қоларверса, жаҳон тараққийпарвар кинематографияси ривожига бетакрор ҳисса қўшаётган, «Ассалому алайкум!» деган қутлуғ каломни ўзига шиор қилиб олган Тошкент Халқаро кинофестивалининг ўн биринчисига ҳам улкан муваффақиятлар тилайман.

Саккизинчи кинофестиваль пайтида олинган ушбу суратда Афғонистон киноарбобларини ва таниқли ўзбек санъаткори Турди Нодировни кўриб турибсиз.

Суратқаш Л. ГЛАУБЕРЗОН бисотидан.

МАФТУНКОР ҚУРБОНЛАР САМАРАСИ

ШАТРАНЖ ОЛАМИДАГИ ГАПЛАР · МУТАСАДДИ · FIDE · МАМАЖОН МУҲИДИНОВ

● «XX аср матчи» деб юритилаётган жаҳон эксчемпионлари Фишер — Спасский баҳси авж нуқтасига кўтарилган пайтда бўлиниб қолганига шахмат аҳли кўниколмаяпти. Кўпчилик аёллар «Бойлар ҳам йиғлайди» фильмининг ҳар бир сериясини қанчалик интиқлик билан кутаётган бўлсалар, аксарият эркакларнинг дарди-фикри ана шу баҳсда бўлиб қолди.

ОЛДИНДАН белгиланган танаффус эълон қилинганига қарамай Авлиё Стефан оролида ўйналган ажабтовур партияларда юз берган воқеалару унинг теварагида юзага келаётган турли-туман фикр-мулоҳазалар радио, телевидение ва йирик матбуот саҳифаларида бетўхтов бериб бориляпти. Бунинг боиси Фишернинг рақиби устидан кетма-кет қозонаётган ғалабасида эмас, балки бир вақтлар шахмат курашини ҳар жиҳатдан такомилга етказиб, уни чинакам санъат турлари сирасига қўшишда мураккаб вазифани уддалай олган америкалик гроссмейстер 20 йиллик танаффусдан сўнг ўша мавқени тиклай оладими ёки йўқми, деган муаммонинг нечоғли ҳал қилинишидадир.

Ўн биринчи учрашувда юз берган воқеалар жараёни Фишер кўп поғонали нарвондан зўр ишонч ва дадил юқорига кўтарилиб бораётганлигига яққол далилдир. Испанчага тоб беролмаган Спасский биринчи марта сицилианча ҳимояни танлади. Фишер бунисида ҳам тўртинчи юришда оқ филни қора отга алмаштириб юборди. Шуниси таажжубланарлики, америкаликнинг еттинчи юришида пиёда қурбон қилиши ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига кирмайдиган йўл бўлди. Ташаббусга эришиш мақсадида пиёда қурбон қилиш усулни кўпчилик билади, аммо уники тамомила ўзгача. Кўп ўтмай у иккинчи пиёдани берди. Натижада, оқ сипоҳлар шундай муҳим хоналарни забт эта бошладики, яширинишга улгура олмаган қора шоҳ тақдири таҳликалар остида қолди.

Спасский ҳам қўлидан келганча барча чораларни ишга солиб турса-да, ўта мураккаб вазиятда мавжуд тактикавий зарбаларни ўзида мужассамлаштирган юришлар маҳмуасини зўдлик билан баҳолашда ён беришга мажбур бўлди. Нозик дид ва бениҳоя аниқ ҳисоб-китоблар воситасида мантиқий якунини топган ўн биринчи партиянинг барча босқичлари ҳар қандай даражадаги шахматчи учун ҳам ибрату намуналик вазифасини ўташга лойиқ ва қодирдир. Шахматчиларнинг куч-қудратини даврлар эмас, балки яхши ўйинлар белгилайди.

Баъзи бировлар унинг «пулга тузоқ қўйган» гроссмейстер, деб атагандилар. Ҳаммага ҳам пул ёқиши турган гап. Лекин Фишер аввало меҳнати, қоларверса, мавқеига яраша пул ишлаш йўлини тутувчилардан. Бунга бир мисол: 1974 йил, Франция. Ницца шаҳрида навбатдаги жаҳон шахмат олимпиадаси ўтарди. АҚШлик гроссмейстер Ломбардининг шу гаплари қулоғимда қолган:

— Агар, — деб гап бошлади у. — Фишер турли корхоналар ишлаб чиқарувчи моделларга реклама учун ўз номини беришга розилик билдирганда икки йил ичида тахминан ўн миллион долларни киссасига солган бўларди. Бунга кўнмади: ўзим ичмаган пивога, ўзим ишлатмайдиган устарага... номимни сотмайман. Шахматни пулга алмаштирадиганлар бошқа, деган Фишер.

Бунақа мисоллар жуда кўп. Чўрткесар Фишер иззат-нафсига доғ туширмайдиганлардан эканлиги учун ҳозиргача кучу, обрўсини йўқотмай келаётган бўлса, не ажаб!

Матчнинг иккинчи ярми Белградда бошланди.

Фишер — Спасский — 5:2.

...ДАРДИ ҒУЗАДА

Америкалик бир йигит муҳаббат изҳор қиларди:

— Мен, албатта Роберт Фишердек ўйнай ҳам олмайман, унинг сингари бадавлат ҳам эмасман. Лекин сизни жуда севаман, нимани ихтиёр этсангиз тайёрман.

— Ундай бўлса, мени ўша Фишер билан таништириб қўйинг, — дебди қиз.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● АКС-САДО: И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИНИ ЎҚИБ

● ОЙДИН ҲОЖИЕВА ИЖОДХОНАСИДА

● ФОТИМА АБДУЛЛАЕВА: ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР

● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ

● НАМАНГАН: «КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР». (Фельетон).

● «ҚИЗЛАР БАЗМИДАН ЧИҚҚАН ҚОТИЛЛИК»

● «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН: «СУВГА ЧУККАН ҚАЙИҚЛАР»

● «СТАЛИННИНГ НОМИ НЕЧТА?»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

ДИЁР — TRADING HOUSE — САВДО УЙИ

АГАР СИЗДА ЭРКИН МУОМАЛАДАГИ ВАЛЮТА БЎЛСА ВА СИЗ МАЪҚУЛ НАРХЛАРДА ХОРИЖДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЭНГ ЯХШИ МОЛЛАРНИ ХАРИД ЭТИШНИ ИСТАСАНГИЗ БУНИНГ УЧУН АЛБАТТА ЧЕТ ЭЛГА БОРИШИНГИЗ ШАРТ ЭМАС

«Ўзбекбирлашув» қошидаги қўшма акционерлик «Диёр» савдо уйи магазинлари сизнинг дидингизга жавоб берадиган кенг кўламда хилма-хил озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларига эга.

«Диёр» ўз имкониятларидан келиб чиқиб, мустақил ҳолда чет эл фирма ва компаниялари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиб, мижозлар, тадбиркорлар, ишбилармон кишилар, Ўзбекистондаги элчихоналар ва савдо ваколатхоналари хизматчиларининг ҳар қандай буюртмаларини қисқа муддат ичида бажаради.

ҲАҚ — НАҚД ТЎЛАШ ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ОЛИНАДИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 30 «А» «Диёр» магазини.

Тошкентдаги телефон: 54-19-87.

БОШ БУХГАЛТЕРЛАР ЭЪТИБОРИГА!

1993 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро стандартларга мўлжалланган бухгалтерлик ҳисоби счетларининг янги режаси жорий этилади.

«НУР» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФИРМАСИ «БУХГАЛТЕР ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ»НИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ 1 КИТОБИНИ ХАРИД ЭТИШИНГИЗНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Унда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳисобга олинган ҳолда ҳисоблар янги режасига батафсил шарҳлар, счетлар режасини қўллаш бўйича йўриқномалар, кичик корхоналарда бухгалтерлик ҳисоблари ва бошқалар келтирилган.

Тез орада «Бухгалтер энциклопедияси»нинг II китоби ҳам босмадан чиқади, унда бухгалтерлик ҳисобига доир янги қонунчилик ва йўриқнома-методик материаллар, шунингдек хусусийлаштириш соҳаси бўйича бухгалтер билиши лозим бўлган асосий тушунчалар ва категориялар, шунингдек масъулияти чекланган жамиятлар, акционерлик жамиятлари таъсис ҳужжатларининг намуналари ўрин олган. Мазкур китобда бундан ташқари соддалаштирилган схема бўйича журнал-ордерларни тўлдириш ва фойдаланиш тартиби ҳам келтирилган.

«Нур» илмий ишлаб чиқариш фирмаси абонементлик хизмати шартномасини тузишни таклиф этади. Абонементни сотиб олганлар йил охирига қадар рус ва ўзбек тилларида «Бухгалтер энциклопедияси»нинг 1, 2, 3, 4-китобларини оладилар, шунингдек «Нур» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ўтказиладиган семинар-консультацияларда қатнашиш ва консультация олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бизнинг мижозларимиз —бообрў фирмалардир. Фақат бизнинг мижозимиз бўлганингизда Сиз ўз молиянгиз ва ҳисобингиз учун хотиржам бўласиз.

«Нур» илмий-ишлаб чиқариш фирмаси — бу Сизнинг муваффақиятингиздир.

Шуни хабар қиламизки, «Бухгалтер энциклопедияси» ҳар бир китоби 398 сўм туради. Абонемент хизмати — 5 минг сўм. Бизнинг реквизитлар: Тошкент шаҳар Саноат қурилиш банкининг Мирзо Улуғбек бўлимида ҳисоб рақами — 100609038, код рақами — 172682313.

Ҳақ нақд ва пул ўтказиш йўли билан тўланиши мумкин.

Манзилгоҳимиз: 700128, Тошкент шаҳри, Қодирий кўчаси, 5-А А/Қ 1911 (Сув хўжалиги вазирлигининг биноси, 7-қават, 714-хона).

Телефон: 41-03-74, 41-26-01, ички 5-71.

СОТИЛАДИ

Қоракўл тери. Телефон 67-60-17. Соат 18.00 дан кейин.

Уй, томорқаси билан (табиий газ, сув бор, ёнидан анҳор оқади) Чимкент вилояти, Сариоғоч шаҳри, Тўхтаров кўчаси 9-уй. Тел: 2-29-54. Истеъланган пайтда.

Маҳаллий алмаштириш

Қорасув-2 даҳасидаги 2-хонали (2-қават) квартира, 3-хонали давлат квартирасига пули тўланган алмаштирилади. Тел: 39-21-58.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорати, жамоат ташкилотлари ҳамда кимё технологияси куллиёти жамоаси юқори молекулали бирикмаларнинг кимёвий технологияси тақсилгоҳи профессори

Эркин ЗОКИРОВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этадилар.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника дорилфунунининг ректорати, касаба иттифоқи ташкилоти ва фалсафа таҳсилгоҳи жамоаси фалсафа фанлари номзоди, доцент Д. С. Валиевага қизи

САОДАТнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ—ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.06.
Г—394. № 194. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.